



Этмасман (Ражойй газали)



Умиди раҳматимдан узма бандам, хор этмасман,
Мұхаббат бирла килгин бандалик, бекор этмасман.

Хамиша раҳматим осий гунохкорларга мавж урган,
Килиб тавба Менга келсанг, сени хеч хор этмасман.

Яратдим икки оламни Хабибим хурматидинким
Бўлур уммат Хабибимга, ани ночор этмасман.

Амал килгин дилу жонинг билан шаръимга, эй бандам,
Коронгу гўрда колдириб, сени афгор этмасман.

Холис айла ибодатни, амални бериё килгин,
Тарозуда гунохингни кечиб, ошкор этмасман.

Кадамни рост йўлдан узмагил, кўйма хато йўлга,
Сирот ал-мустаким узра жахими нор этмасман.

Ўкиб Куръон сахарлар, баҳраманд бўлгил каломимдин,
Басе кабрингни пурнур айлагайман, тор этмасман.

Имонингга эрур кувват, Ражоий, тоату такво,
Анга зийнат эрур одоб, маҳруми дийдор этмасман.

Шарх: Этмасман

Эй бандам, раҳматимдан хеч качон умид узма, хор бўлмассан. Менга сидку Мухаббат билан ибодат кил, риёзатинг бекорга кетмас. Осий ва гунохкорлар хам раҳматимдан насибадор эрурлар. Бунинг шарти сидкидилдан килинган тавба ва гунохларга кайтмасликдир. Икки оламни хабибим Мухаммад алайхиссалом хурматидан яратдим. Мухаммад (с.а.в.) йўлига содик умматни ночор холида ташлаб кўймасман. Сен иймон амалини маҳкам тутсанг, эй бандам, кабр зулматида холингпаришон этмасман. Ибодатни факат Мғн учун, ёлгонсиз килгин ва киёмат тарозисидан кўркма. Шунда гунохларингни яширгувчи, юзинг ёруг килгувчи Менман. Кадамингни иймон йўлига ташла, шайтони лайъин куткусидан кочгинки, сирот кўпригида кадамингни яшиндек тез килгувчи Ўзимман. Хар сахар Куръон тиловат килгин. Каломим маъносини мушоҳада эт. Ўкиган хар бир харфингни кабрингга нур килиб индиргувчи Ўзимман. Эй Ражоий, тоат-ибодатгина иймонга кувват бўлгай. Аллоҳ одоб эгаларига Жамолини насиб этгай.

Рахматуллоҳ Носирнинг
"Соз билан сухбат" китобидан